Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 15 АПРЕЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 79 (13.142)

Баҳоси эркин нархда

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари раҳбарлари, шунингдек, ШҲТ Бош котиби ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзининг ўн беш йиллик фаолияти давомида нуфузли ва самарали халқаро ташкилот сифатида мустаҳкам қарор топганини, унинг фаолияти тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш соҳасида ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг ташкилотга жорий раислиги даврида аъзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан ШҲТ доирасида, авваламбор, ҳозирги кундаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш борасида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтадиган навбатдаги юбилей йиғилиши ҳар томонлама мазмунли ва самарали бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган, ШҲТнинг муҳим ва самарали институти бўлган Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилиши ташкилот органлари ва механизмлари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, ташкилот ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича томонлар фаолиятини мувофиқлаштириб боришда муҳим вазифани бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ҳудудида терроризм, экстремизм ва сепаратизм кўринишлари, шунингдек, бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида муҳим қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳам алоҳида ўрин тутаётганини таъкидлади.

Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон делегациялари раҳбарлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг Тошкентда ўтказилган ўн биринчи йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр билдирди, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги жараёнида кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда ташкилот фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича мамлакатимиз амалга ошираётган ишлар катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

(ЎзА)

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Қозоғистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрелда бўлиб ўтади.

Аввал хабар қилинганидек, мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қиладилар.

(ЎзА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 2016 йил 13-14 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси – Хавфсизлик кенгаши котиби Н.Ермекбаев, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси Го Шэнкун, Қирғизистон Республикаси Мудофаа кенгаши котиби Т.Жумақодиров, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Н.Патрушев, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Қаҳҳоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.Маҳмудов, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Р.Алимов ва ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори Е.Сисоев иштирок этди.

Дўстона ва амалий руҳда ўтган йиғилишда ШҲТ ҳудудида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, терроризм, сепаратизм, экстремизм, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва биргаликда ҳаракат қилиш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Халқаро терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишларига барча давлатларнинг биргаликдаги кураши орқали барҳам бериш мумкинлиги ҳақида якдил фикр билдирилди.

Иштирокчилар 2016 йил 23-24 июнда Тошкент шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилишига тайёргарлик ишлари ҳақида Ўзбекистон томонининг ахборотини тингладилар. ШҲТнинг бўлажак саммити ташкилотнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва хавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, 2016 йил 21 апрель куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси тўғрисида;

— Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида ва бошқа масалалар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

МАТОДА АКС ЭТГАН МАҲОРАТ

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги Олтинтопган маҳалласида яшовчи ҳунарманд Гулнора Тешабоева ўз касбидан барака – олтин топган аёллардан.

Чеварнинг кичик корхонасида ҳар куни иш қайнайди. Шогирдларининг айримлари келин сарполарини бичса, бошқалари тайёр кийим-кечакларни харидорларга етказиш билан машғул. Яна бири хорижлик меҳмонларга инглиз тилида миллий матоларимизнинг тайёрланиш услуби, безакларининг маъноси ҳақида сўзламоқда.

Г.Тешабоева 1996 йилда маҳалла фаоллари кўмагида олтита тикув машинаси сотиб олган эди. Аввал қизларига, кейин қўшни келинлар, уйда ўтирган хотин-қизларга бичиш-тикишни ўргатди. Бугунги кунда уч қизи, ўнлаб шогирдлари якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритмоқда.

2001 йилда "Ипак йўли" акциядорлик тижорат банкидан 19 миллион кредит олиб, замонавий тикув машиналари харид қилди. Кийим-бош тикишга ихтисослашган чеварлик устахонаси очди. Бир неча хотин-қизни иш билан таъминлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шароит ва имтиёзлар яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир.

– Чиройли либос яратиш учун асосан икки нарса: яхши дизайн ва уни амалга ошириш учун шароит керак, – дейди Гулнора опа. – Бизда бунинг учун ҳамма имконият бор. Халқ амалий санъати, миллий қадриятларимиздан олам-олам гоя топиш мумкин. Аёллар тадбиркорлиги давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Муваффақиятимизнинг асосий омили шу.

Гулнора опа бошлиқ тикувчилар республика "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан ўтказилаётган турли кўргазмалар, "Тадбиркор аёл", "Ташаббус" кўрик-танловларида фаол иштирок этмоқда. Маҳалла идораси ва таълим муассасаларида ташкил этилган "Ораста қизлар", "Моҳир қўллар" тўгаракларида қизларга чеварлик сирларини ўргатмоқда.

– Қиз боланинг касб-ҳунарли бўлиши қанчалик муҳимлигига ўзим мисолимда яна бир бор амин бўлдим, – дейди опанинг шогирдларидан бири Зебо Шерматова. – Оилам иқтисодига, рўзғорим бутлигига ўз ҳиссамни қўшмоқдаман. Эндиликда алоҳида устахона очиб, шогирдлар тайёрлаш ниятидаман.

Юртимизда хотин-қизларнинг севган касби билан шуғулланиши, ўз тадбиркорлигини очиши учун яратилган шароитлар мана шундай самаралар бермоқда. Ҳунар эгаллаган хотин-қизлар ҳаётда ўз ўрнини топмоқда.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Термизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ва ишчи гуруҳларининг асосий вазифаси, сайловнинг ҳуқуқий асослари, ҳужжатларни расмийлаштириш тартиблари хусусида атрофлича маълумот берилди.**

● **Навоийда йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда Навоий ҳамда бошқа вилоятлардан қарийб 200 йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхонаси, ҳудудий тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.**

● **Андижон давлат тиббиёт институтида "Эртанги кун бизники, марра бизники" шиори остида талабаларнинг илмий маърузалари танлови бўлиб ўтди. Унда 100 га яқин талаба илмий мақолалари, истиқболли лойиҳалари билан иштирок этди. Тиббиёт соҳасини ривожлантириш, касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш бўйича тақдим этилган лойиҳа, илмий тадқиқот ва янгиликлар мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.**

● **Бухорода одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Комиссия аъзолари, тегишли ташкилот ва идоралар мутасаддилари иштирок этган йиғилишда вилоятда соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижроси доирасида 2015 йилда одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва жорий йилдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.**

ЖАҲОНДА

● **Дунёдаги энг кичик давлатлардан бири — майдони 21,3 квадрат километр, аҳолиси 11 минг киши бўлган ва БМТ таркибига 1999 йилда киритилган митти орол давлати — Науру Республикаси Халқаро валюта жамғармаси аъзолигига қабул қилинди. Унинг мазкур ташкилотдаги дастлабки квотаси 2,8 миллион АҚШ доллари миқдорида белгиланди.**

● **"Рио-2016" Олимпиада ўйинлари машъаласининг ёқилишига бағишланган тантанали маросим 21 апрель куни Грецияда ташкиллаштирилади. Бразилияга эса машъала 27 апрель куни самолётда олиб келинади ва ушбу мамлакатнинг 329 шаҳри бўйлаб олиб ўтилади. Яъни, машъала олиб ўтиладиган ҳудуд мамлакатнинг 90 фоиз аҳоли истиқомат қиладиган жойларни ўз ичига қамраб олади.**

● **Покистоннинг Панжоб музофотидаги Файсалобод шаҳрида йирик йўл транспорт ҳодисаси юз берди. 50 га яқин йўловчини олиб кетаётган автобус ҳайдовчисининг тезликни ҳаддан зиёд ошириши натижасида юк ташиш машинаси билан тўқнашиб кетган. Ушбу автотўқнашув 19 кишининг ҳаётига зомин бўлди, қолган йўловчилар эса турли даражадаги тан жароҳатлари олиб, шифохонага ётқизилди.**

БАНКЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Тошкент молия институтида "Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестициявий фаоллиги ва молиявий барқарорлигини оширишнинг долзарб масалалари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, Марказий банк, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган конференцияда депутатлар, банк соҳаси мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, талабалар иштирок этди.

Институт ректори Б.Бегалов, Марказий банк ҳузуридаги Кредит ахбороти миллий институти директори Н.Холмуродов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизими тобора мустаҳкамланаётгани самарасида банкларнинг капиталлашув даражаси ва инвестициявий фаоллиги ошиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори банклар фаолиятини янада такомиллаштиришда дастуруламал бўлаётир.

Бугунги кунда юртимиз банклари халқаро рейтинг агентликларининг барқарорлик рейтингига эга. Бу ижобий баҳо иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим омил бўлаётир. Конференцияда бу борада салмоқли натижаларга эришаётган тижорат банклари фаолияти таҳлил этилди.

Анжуманда стратегик аҳамиятга эга тармоқларни молиялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришда тижорат банкларининг иштирокига доир мавзуларда маърузалар тингланди.

(ЎзА)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Айни пайтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирди. Кучли фуқаролик жамияти асосини демократик сайловлар ташкил этар экан, эртанги кунимизнинг истиқболи бугунги амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ.

Тошкент қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежида Учтепа туманида маҳалла фуқаролар йиғини сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳ раислари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди.

— Куни кеча "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусидаги семинар-тренингда қайд этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда ўз олдимизга қўйилган вазифаларни яна бир бор муҳокама қилиб олдик, — дейди "Маҳалла" жамоат фонди Учтепа тумани бўлими раиси Зикрилла Исматов. — Мақсад сайловни ташкилий тарзда уюшқоқлик билан ўтказиш орқали эл орасида обрў топган, муносиб номзодларни сайлаб олишдир. Бунинг учун сайловда илк бор қатнашаётган комиссия раисларига тўғри тушунчалар бериш орқали ўз ҳудудларида демократик принципларга риоя қилишга эътибор қаратилади.

Тадбирда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раиси вазифасини бажарувчи Аҳрор Ғуломов сўзга чиқиб, асосий эътиборни ишчи гуруҳини тўғри тузишга, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатиш масалалари ҳақида ўз фикрларини баён этди.

Ҳозирги кунда ишчи гуруҳлари томонидан уйлар, кўчалар ҳамда аҳоли яшаш жойларида вакиллар сайловлари ўтказилмоқда.

Раис(оқсоқол) олий маълумотга эга, маҳаллани яхши биладиган, ташкилотчи, ҳаётий тажрибага эга, обрўли инсонлар орасидан танланиши ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, бу "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

— Илгариги маҳалла раиси сайловларида ҳам иштирок этганман. Бу борада етарли тажрибага эгаман, — дейди "Пахтакор" маҳалласида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси Зиёда Ҳайдарова. — Сайловга бағишланган тадбирлардан ўзимизга керакли бўлган маълумотларни оляпмиз. Айниқса, ишчи гуруҳининг масъулиятли вазифаларидан бири маҳалла аҳли фикрини ўрганган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига муносиб номзодларни кўрсатиш.

— Бу йилги сайловлар олдинги сайловлардан катта фарқ қилади, — дейди Абдулла Қодирий номли маҳалласида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раиси Саида Раҳимова. — Маҳалламизда асосан ерли аҳоли яшайди. Аҳолимиз аҳил, улар ичида маҳалла оқсоқоли бўлишдек шарафли вазифани уддалай оладиган жонкуяр инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Маҳалла аҳли бўлаётган ўзгаришларга бефарқ эмас. Ўйлайманки, май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови қонунда белгиланган талаблар асосида намунали тарзда ташкил этилади.

З.ШАРИФЖОНОВ

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда Тошкент шаҳрида ўтадиган саммитда қабул қилиниши кўзда тутилаётган ШҲТнинг экстремизмга қарши курашиш конвенцияси, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга доир тадбирлар режаси, ШҲТга аъзо давлатларнинг наркотикларга қарши курашиш бўйича 2017-2022 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастури лойиҳаларини имкон қадар тезроқ келишиб олиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилиш иштирокчилари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби ва МАТТ Ижроия қўмитаси директорининг ташкилотнинг хавфсизлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборотларини тинглади ва маълумот учун қабул қилди.

Йиғилиш якуни бўйича Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ўн биринчи йиғилиши протоколи имзоланди.

(ЎзА)

ВАТАНГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси залида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб бадиий кўргазма ташкил этилди.

Мусаффо осмон остида, она табиатнинг сўлим гўшаларида картина ишлаш – пленер жанри мусаввирлар учун энг завқли, мароқли ижод саналади. Бундай суратлар санъат ихлосмандлари томонидан ҳам ғоят қадрланади.

"Ассалом, пленер!" деб номланган мазкур кўргазмадан мусаввирларнинг юртимиз воҳаларини кезиб, гўзал манзаралардан илҳомланиб ишлаган картиналари ўрин олган. Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг сўлим масканлари тасвирини мўйқалам аҳлининг янгича нигоҳи, ўзига хос ижодий талқини асосида томошабинларга етказишдир.

Рассомларимизнинг чексиз ҳайрати, ҳаваси, табаррук заминимизга меҳр-муҳаббати билан йўғрилган ушбу асарлар ҳар бир томошабинда жонажон Ўзбекистонимиздан фахрланиш туйғусини янада жўш урдиради. Кўргазмада Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ рассоми Рустам Худойбергенов, моҳир мусаввирлар Эркабой Машарипов, Ғанишер Ҳайдаров, Тошпўлат Намозов, Аслиддин Исаев, Бахтиёр Маҳкамов каби ижодкорлар яратган асарлар билан танишиш мумкин.

Н.УСМОНОВА

ТИНЧЛИК УЧУН БАРЧА МАСЪУЛ

Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицейда "Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз масъулмиз" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод тумани кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Маънавият тарғибот маркази вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Рустам Комилов ва бошқалар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик Президентимиз раҳнамолигида эришилаётган барча ютуқ ва марраларнинг асоси эканини таъкидлади. Бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш учун ҳар бир инсон масъуллиги, ҳамиша огоҳ бўлиш зарурлиги қайд этилди.

– Бугунги глобаллашув даврида ҳар хил маънавий таҳдидлар, ахборот хуружлари гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона намоён бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига академик лицей директорининг ўринбосари Улуғбек Ражабов. – Бунга жавобан ёшлар ўз мустақил фикрига суяниши, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган муваффақиятларга теран кўз билан қараши зарур.

Давра суҳбатида мутахассислар ёшларга дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган тўқнашувлар, террористик хуружлар оқибати, огоҳлик ва ҳушёрликнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда таълим масканлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

"Қиёматга қолган қарз" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Н.НАСРИЕВ





Ёлқин Шамсиддинов олган суратлар

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Тарихимизни ўрганиш, кенг тарғиб этиш ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, аждодларимиз меросидан фахрланиш, мустақиллик ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК МУЖАССАМ

Юртимизда фаолият кўрсатаётган юзлаб музейларда миллий маданиятимиз, тарих ва санъатимиз, халқимизнинг қадимий анъана ва қадриятлари билан танишиш мумкин. Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент политехника музейи улардан биридир. Бу ерда транспорт тарихи, илм-фан ва техника тараққиёти, буюк олимлар ихтиролари ва интерфаол экспонатлар намойиш этилган.

"Ўзавтосаноат" компанияси биносида жойлашган музей экспозициясида Асака заводида ишлаб чиқарилган илк автомобиллар, ерга ишлов бериш учун мўлжалланган қадимги меҳнат қуроллари, деҳқонларимиз оғирини енгил қилаётган замонавий техникаларни кўриш, Ўзбекистонда дастлабки трамвай, автобус ва троллейбус қачон пайдо бўлгани ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Бундан ташқари, бу ерда ташкил этилган ноанъанавий интерфаол амалиёт бўлими ўзига хос ўқув комплекси бўлиб, музейни томоша қилиш учун келганлар, айниқса, ёшларга илм-фан ва техника оламига саёҳат қилиш, математика, физика, астрономия бўйича билимини янада бойитишга ёрдам беради.

Ушбу музейни ташкил қилишда кўплаб корхона ва идоралар иштирок этган. Айрим автомобиллар макети Турин политехника университети талабалари томонидан тайёрланган.

– Асосий вазифамиз ёшларда Ватанимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва замонавий ютуқларини ўрганишга қизиқишни оширишдир, – дейди ЎзА мухбирига музей ходими Тамара Ёқубова. – Бу борада турли маҳорат сабоқлари, жумладан, робот техника, дастурлаш бўйича ўқув курслари ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

Мухтасар айтганда, музей экспозицияси барчада катта қизиқиш уйғотади.

И.ДОЛЕНКО

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бугунги кунда катта-катта корхоналарни, кичик дўкон ёки хонадонлар, қўйинки куну тунимиз, турмуш тарзимизни электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги замон техникасининг ривожи натижасида инсон меҳнати тобора енгиллашмоқда. Техникалар эса электр энергиясисиз ишламайди. Шу боис электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришда шу соҳанинг минглаб ходимлари кечаю кундуз меҳнат қилмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланишини таъминлаш, энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, электр энергетикасининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, электр энергиясидан ва ёқилғи энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳа фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс энерготаъминот корхонаси билан электр энергияси таъминоти бўйича ўзаро шартнома тузади. Унга биноан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти тузилмаси истеъмолчига электр қувватини уланган тармоқ орқали етказиб бериш мажбуриятини олади. Истеъмолчи эса фойдаланилган хизмати учун электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш, электр энергияси истеъмол қилиш шартномасида назарда тутилган тартибга риоя этиш, ўзи фойдаланаётган тармоқлар билан боғлиқ асбоб ва ускуналарнинг лозим даражадаги техник ҳолатини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Мазкур шартноманинг тарафлар учун мажбурий бўлган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Электр таъминоти шартномаси юридик ёки жисмоний шахс билан у ҳудудий электр тармоғига уланиш учун зарур ускуналарга, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига эга бўлган, шунингдек, электр энергияси хизматидан фойдаланиш қоидалари талабларини бажарган тақдирда тузилади.

Электр энергияси истеъмолчилари электр таъминоти шартларида белгиланган электр энергиясини истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, фойдаланилган электр энергияси учун ҳақни электр таъминоти шартномасида белгиланган муддатларда тўлаши, ҳудудий тармоқлар корхонаси вакилининг асбобларни кўрикдан ўтказишига йўл қўйиши, электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириши, ўзи фойдаланаётган электр тармоқлари, асбоб-ускуналарнинг носозлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига хабар қилишлари шарт.

Электр энергияси истеъмолчилари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам мавжуд. Электро-энергетика тўғрисидаги қонунда қайд этилган мажбуриятларга тўлиқ амал қилган ҳолда истеъмолчилар электр энергиядан оқилона ва тўғри фойдаланиш, унинг беҳуда сарфланишига йўл қўймаслик, хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш ва техника хавфсизлигига тўлиқ риоя қилиш орқали электр қувватининг узлуксиз таъминланишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Дурбек МАҚСУДОВ,
"Ўздавэнергоназорат"
инспекцияси
Тошкент шаҳар
бўлими инспектори

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 18

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
7.35 "Қишлоқ ҳаёти".
8.00 "Таҳлилнома".
8.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
9.10 2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
9.30 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
10.05 "Иқлим".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Менинг боғим".
11.30 "Кўнгил ободлиги".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
13.50 "Иқлим".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 Миллий сериал: "Муҳаббатим – қисматим".
15.25 "Бизнес старт".
15.50 "Иқлим".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Қорачиқ".
17.30 "Суҳбатдош".
17.45 "Руҳшунос". Т/с.
18.30 "Имконият".
18.50 "Иқлим".
18.55 Миллий сериал: "Таваллуд".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Севги сароблари". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Хиёнат кўчаси".
22.00 "Муносабат". Ток-шоу.
22.45 – 00.00 "Пинҳона дил изҳори". Б/ф.
00.00 Миллий сериал: "Таваллуд".
00.30 "Фусункор нақшлар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
3.30 "Менинг боғим".
3.50 "Шарқ тароналари".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
5.10 – 5.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Афсона ва ҳақиқат".
7.00 "Табиб". Т/с.
7.50 "Соғлом ҳаёт".
8.10 "13-студия".
8.30 "Ганг дарёсининг қизи". Б/ф.
9.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Шарқ гавҳари".
11.30 "Сўз ёшларга".
12.00 "Пазанда". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Ўн иккинчи кеча". Б/ф.
15.40 "Зулфия издошлари".
16.00 "Давр".
16.10 "Алиса". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Буюк юрт фарзандлари".
17.30 "Гумбаз остида". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Ўзингни ўзинг асра".
21.00 "Пазанда". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Ўргимчак макри". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
4.30 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ҳаёт валси".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.15 "Одоб хонадон".
11.45 "Пойтахт-культура".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт валси".
12.50 "Огоҳ бўлайлик".
13.15 "Телетаҳлил".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Таҳқо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Хадсаккер раҳбари". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.30 "Ҳимоя".
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Таҳқо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
21.20 "Сифат назорати".
21.45 "Теле-маркет".
22.20 "Ангел мести". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.15 "Ҳикматли дунё": "Бахт ови".
1.00 "Пойтахт-Hi-tech".
1.10 "Бахт қўрғони".
1.45 "Poytaxt-reportaj".
2.10 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
2.35 "Мен сизга айтсам".
3.25 "Пойтахт-Hi-tech".
3.35 "Эртамиз эгалари".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қорақалпоқ спорти".
6.30 "Орзулар кемаси".
7.00 "Sport online".
8.00 Талқин.
8.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор". (Наманган) – "Шўртан" (Ғузор).
10.20 "Эътироф".
10.35 Оғир атлетика. Европа чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 От спорти. Халқаро турнир.
14.00 Хабарлар.
14.20 Дзюдо. Осиё чемпионати.
16.20 Теннис.
17.35 "Спорт сабоқлари".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Спорт сайёраси".
18.15 "Техноспорт".
18.30 Хабарлар.
18.55 "Болалар спорти".
19.25 Оғир атлетика. Европа чемпионати.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.55 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.30 Профессионал бокс.
23.25 "Чемпион".
23.50 "Техноспорт".
00.05 Волейбол.
1.30 Хабарлар.
2.00 Оғир атлетика. Европа чемпионати.
3.05 "Соғлом турмуш сари".
3.50 Профессионал бокс.
4.50 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
6.35 "Ораста бекажон".
7.00 Миллий кино. "Ҳай-ҳай қизалоқ!"
8.25 "Теран илдизлар".
8.45 "7 кун нафаси".
9.00 "Табиат табиб". Ҳужжатли фильм.
9.30 "Бизнес ва тараққиёт".
10.00 "Маҳалламиз спортчилари".
10.50 "Гузардаги гурунглар".
11.40 "Ихтиро".
12.05 "Мўъжаз Ватан".
12.30 "Сулола".
12.55 Кун нафаси.
13.00 Миллий кино. "Сароб".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар".
15.00 Миллий сериал. "Дил пайвандн".
15.35 "Турфа маслаҳат".
15.55 Кун нафаси.
16.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
16.35 "Соғлом турмуш".
17.00 "TV анонс".
17.05 "Идрок харитаси".
17.30 "Фотокўзгу".
17.35 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00. Миллий сериал. "Лафз".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Ҳаётим орзуси".
22.35 "Табиат шифохонаси".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Ён қўшним – жон қўшним".
23.35 "Обод манзиллар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
00.35 "Ахборот".
1.00 Миллий кино. "Сароб".
2.15 "Обод маҳалланинг. бахтли оиласи".
2.40 "Мўъжаз Ватан".
3.00 Миллий сериал. "Дил пайвандн".
3.35 "Аждодлар хазинаси".
4.00 Миллий сериал. "Жийда гули".
4.30 "Фотокўзгу".
4.35 "Фермер".
5.05 – 6.00 "Бола бошидан".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.20 "Саргузаштлар ороли".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "ABC-kids".
10.30 "Мультипанорама".
12.30 "Табиатга саёҳат".
12.50 "Ланди-ланди".
13.00 "Мультипанорама".
13.30 "Сеҳрли қўллар".
13.40 "Story time".
14.00 "Болалар учун фильм".
15.30 "Ширинтой-кичкинтойлар".
15.40 "Қувноқ алифбо".
16.10 "Болалар учун фильм".
17.30 "Қувноқ стартлар".
17.40 "Болажон орзуси".
17.50 "Мунчоққўз болажон".
18.00 "Болажон ошхонаси".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Топағон болажон".
19.50 "Болажонлар саҳнаси".
20.10 "Мультипанорама".
21.00 "Bravo English!"
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Москва кўз ёшларга ишонмайди". Б/ф. 1-қисм.
7.10 Миллий кино. "Қора илон".
8.40 Саргузашт фильмлар экрани. "Олти кун, етти тун".
10.30 "Боевой конь". Х/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Мангулик".
13.45 "Серена". Б/ф.
15.30 Болалар экрани. "Сув кундузининг саргузаштлари".
16.50 "Ўйин". Б/ф.
19.00 "Ёз ифори". Т/с.
20.05 Миллий кино. "Гулим".
21.20 "Хафта юлдузи". Морган Фриман.
21.40 Жаҳон киноси. "Шоушенкадан қочиш".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Поиск". Х/ф.
1.40 "Мушкетёр". Б/ф.
3.20 "Ниқоблар". Б/ф.
4.55 – 6.00 Миллий кино. "Пиёда".

ЧОРШАНБА, 20

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Орзулар фасли".
7.35 "Ҳунар сирлари".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
9.10 "Фаройиб шаршаралар". Ҳ/ф.
9.25 "Иқлим".
9.30 "Руҳшунос". Т/с.
10.15 "Агроолам".
10.30 "Ягона оилада".
10.45 "Навоий олами".
11.00 "Ахборот".
11.10 Миллий сериал: "Таваллуд".
11.40 "Қишлоқ ҳаёти".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 Миллий сериал: "Муҳаббатим – қисматим".
15.15 "Менинг ҳуқуқим".
15.25 "Иқлим".
15.40 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.30 "Мўъжизалар макони".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Сен ёлғиз эмассан".
17.25 "Парламент ҳаёти".
17.40 "Руҳшунос". Т/с.
18.25 "Менинг боғим".
18.45 "Иқлим".
18.55 Миллий сериал: "Таваллуд".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Манқуртлар изидан".
21.50 "Тадбиркорлар телеклуби".
22.30 – 00.10 "Тати Даниэль". Б/ф.
00.10 Миллий сериал: "Таваллуд".
00.40 "Менинг боғим".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Чеча". Спектакль.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
5.10- 5.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Афсона ва ҳақиқат".
7.00 "Табиб". Т/с.
7.50 "Хотира саодати".
8.00 "13-студия".
8.30 "Қиличми, тўқмоқ?" Б/ф.
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Нуқтаи назар".
11.40 "Юрт келажаги".
12.00 "Пазанда". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Робот бола". Б/ф.
15.40 "Зулфия издошлари".
16.00 "Давр".
16.10 "Алиса". Т/с.
17.00 "Хотира саодати".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Гумбаз остида". Т/с.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Дугоналар".
21.00 "Пазанда". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Ўқитувчи". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
1.00 "Шарқ гавҳари".
1.30 "Хамсахонлик кечаси".
3.00 "Оналар мактаби".
3.40 "Баркамоллик йўлидан".
4.00 "Фан ва ёшлар".
4.30 "Мўъжизавий дунё".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Ҳаёт валси".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Элиза". Т/с.
11.15 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
11.40 "Эртамиз эгалари".
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт валси".
12.50 "Poytaxt-avto".
13.15 "Кинотақдим".
13.35 "Мобиль камера".
13.45 "Poytaxt-madaniyat".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Таҳқо малагим". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Нафратми ё муҳаббат?" Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.45 "Poytaxt-reportaj".
19.00 "Теле-маркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Таҳқо малагим". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Тошкент вақти".
21.50 "Теле-маркет".
22.20 "Воды слонам". Х/ф.
00.05 "Очиқ мулоқот"дан сўнг".
00.35 "Ҳикматли дунё": "Ободлик".
1.00 "Poytaxt-avto".
1.10 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
1.45 "Poytaxt-madaniyat".
2.10 "Пазанда".
2.40 "Мен сизга айтсам".
3.20 "Пойтахт-Hi-tech".
3.35 "Кадр ортида".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Соғломжон-полвонжон".
6.40 "Ифтихоримсан, спорт".
7.00 "Sport online".
8.00 Хабарлар.
8.15 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси – 2016. "Насаф" (Ўзбекистон) – "Ал-Айн" (БАА).
9.55 Профессионал бокс.
10.45 Оғир атлетика. Европа чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.05 От спорти. Халқаро турнир.
14.00 Хабарлар.
14.20 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси – 2016. "Ал-Жазира" (БАА) – "Пахтакор" (Ўзбекистон)
16.00 Теннис.
17.00 "Спорт сайёраси".
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
18.00 Хабарлар.
18.20 "Жозиба".
18.45 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси – 2016. "Бунёдкор" (Ўзбекистон) – "Лахвия" (Қатар). Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт-маркет".
21.00 Хабарлар.
21.20 "Техноспорт".
21.30 Футбол. Осиё чемпионлар лигаси – 2016. "Ал-Наср" (БАА) – "Локомотив" (Ўзбекистон).
23.20 Автомотоспорт.
00.05 Оғир атлетика. Европа чемпионати.
1.30 Хабарлар.
1.55 Велоспорт.
2.50 Автомотоспорт.
3.35 Оғир атлетика. Европа чемпионати.
5.00 – 6.00 Теннис.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Ўзи уйланмаган совчи".
6.35 "Фотокўзгу".
6.40 "Турфа маслаҳат".
7.00 Миллий кино. "Хўрланганлар".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Очиқ дарс".
9.00 Миллий сериал. "Лафз".
9.30 "Саодатли умр".
9.55 "TV анонс".
10.00 "Шарқона маскан".
10.30 "Обод манзиллар".
11.05 "Ён қўшним – жон қўшним".
11.30 "Фотокўзгу".
11.35 "Табаррук анъана".
12.00 "Маҳалламиз болалари".
12.30 "Кучли фуқаролик жамияти сари".
